

ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
№.N



2007-yil, 18-aprel,
chorshanba,
16 (399)-son.

Миллий тикланиш —

Миллат келажаси

М И Л Л И Й Т И К Л А Н И Ш

Gazeta 1995-yil,
10-iyundan
chiqa boshlagan

Haftalik gazeta



Ўzbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ФАРМОНИ

Р.Ш.ЧАГАЕВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намойён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аъёнalarини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 апрель.

БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОҒИР ВАЗНДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСЛАН ЧАГАЕВГА

Қадрли Руслан ўғлим!
Сени эришган улкан ғалабанг билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.
Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламида кўрсатган бекиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғломимизнинг тарихий ғалабани қўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.
Сенинг ҳалол ва мурасасиз курашлар остида ўтган гоят кескин беллашува сайёрамизнинг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлиб, юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва

азму шижоатингни яна бир бор намойён этганинг ва шу тариқа ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очишга эришганинг барчамизни қувонтиради.
Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай мард ва баҳодир йигитни — Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихорини вояга етказган оила аъзоларинг ва яқинларингга, устоз ва мураббийларингга самимий миннатдорлик билдираман.
Сени яна бир бор қўтлаб, янги-янги зафар ва омадлар тилаб қоламиз.
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич, Бугун, ҳаётимда энг қувончли кунда, ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвони учун таниқли боксёр Николай Валув билан беллашувда голиб чиққан туфайли чексиз хурсандчилигимни Сизга изҳор этмоқчиман.
Бир неча соат олдин Штутгартдаги спорт мажмуида Ўзбекистон давлат мадҳияси тантанали равишда янгради.
Биз, спортчилар, мамлакатимизда спортни ривожлантиришга Сиз нечоғли катта эътибор ва ёрдам бераётганингизни яхши биламиз. Сизнинг оталарча гамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон вакиллари кўп карра Осие, жаҳон, Олимпия ўйинлари чемпионлари бўлди. Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси билан учрашув чоғида билдирган эзгу тилак ва доно маслаҳатларингиз ҳамон ёдимда. Ана шу гамхўрлик натижасида Ўзбекистон вакили профессионал спортда илк бор жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Мамлакатимиз ҳақли равишда жаҳоннинг бокс ри-

вожланган давлатлари қаторига қўшилди.
Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорти шаънини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ. Ҳар бир ғалабамдан сўнг қадрдон юртдошларим, устозларим, маҳалламиз оқсоқоллари билан учрашув учун жонажон Андижон сари ошқаман.
Хурматли Ислом ота, Сизнинг ишончингизни оқлаш учун, Ўзбекистон байроғи турли мамлакатларнинг стадионларида тез-тез юқори кўтарилиши учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз. Келгусида ўзининг тажриба ва маҳоратини ёш боксчилар тайёрлаш ишига бағишлаш ниятидаман. Зеро, спорт ёш авлодга жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини муносиб ҳимоя қилишга ёрдам беради.
Фарзандлик хурмат-эҳтироми билан,
Руслан ЧАГАЕВ.
2007 йил 15 апрель.

ҚУВОНЧИНГГА ШЕРИК ШУ ВАТАН!

2007 йил 14 апрель. Бу кунни барчамиз узоқ кутдик. Ҳамюртимиз, бокс оламида ўзига хос жанг услуби билан машҳур Руслан Чагаевни музаффар кўриш энг эзгу орзуимиз эди. Гарчи юртдошимиздан кўнгли тўқ бўлса-да, «Коя» лақабли боксчининг салобати кўпчиликни хайқиргани бор гап. Бироқ кўп йиллик меҳнат ва катта тажриба нафақат Русланинг, балки ўзбекистонликман деган ҳар бир кишининг юзини ёруғ қилди.
Германиянинг Штутгарт шаҳридаги муҳташам «Порше Арена» мажмуасида икки буюк боксчи — ўзбекистонлик Руслан Чагаев ва россиялик Николай Валув рингга кўтарилдилар. Шанба оқшомини бутун Ўзбекистон халқи бедор ўтказди. 15 апрелга ўтар кечаси соат 2.00 дан ошиб кетган бўлса-да, барча юртдошларимиз, қолаверса, бутун Осие китъаси спорт илхосмандлари жангни катта сабр ва ҳажжон билан кузатдилар. Чунки ҳамюртимиз нафақат Ўзбекистондан, балки китъадан ҳам биринчи бўлиб профессионал бокснинг ўта оғир вазнда чемпионлик жанги учун рингга кўтарилган эди. Ниҳоят кутилган онлар бўлиб келди. Тўғриси, кўнглида бироз ҳадик, ҳаттоки, жанг узоқ давом этмайди, дея башорат қилганлар ҳам бор эди. Аммо жанг 12 раунд давом этди. Руслан Чагаев ўзидан 28 сантиметр баланд, вазни



41 килограмм оғир бўлган Николай Валувдан ҳар томонлама устунлик қилди. Бокс оламида «Оқ Тайсон» номи билан машҳур бўлган 28 ёшли Русланинг маҳорати россиялик боксчидан анча устун эканлиги тўртинчи ва бешинчи раундларда яққол билиниб қолди. Еттинчи раундга келиб ҳамюртимиз томонидан амалга оширилган икки кучли зарба эса Николайни анча чўчитиб қўйди. Сўнгги раундлар тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, охирига келиб, россиялик боксчининг ҳолдан тойганини яққол сезилди. Натижада ҳакамлар жангда Руслан Чагаев ғалаба қозонганини эълон қилдилар. Шу тариқа ўзбек

бокс мактаби нималарга қодир эканлиги дунё арена-сида яна бир бор намоён бўлди.
Эсингизда бўлса, бундан роппа-роса етти йил муқаддам Президентимиз Оқсаройда Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Руслан Чагаевни қабул қилиб, уларга омад тилагани. Бугун боксчимиз ўзига билдирилган ишончини тўлиқ оқлади. Ўзбекистон номини бутун дунёга танитди.
Албатта, муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Русланинг боксчи сифатида камол топишида Андижондаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти мураббийлари — Александр

Размахов ва Марс Қўчқоровларнинг хизмати катта. Руслан катта боксдаги илк муваффақиятига 1995 йилда Тошкентда ўтказилган Марказий Осие ўйинларида эришган. Мураббийлар мусобақада Русланга катта ишонч билдиришган. 91 килограмм вазнда рингга кўтарилган ҳамюртимиз бу ишончини тўлиқ оқлади. Ушунда у рингга кўтарилган бешта рақибнинг барчасини икки раундга қолдирмай мағлубиятга учратган. Демак, Руслан биринчи катта ғалабасини эндигина 16 ёшга тўлганда нишонлаганди. Илк ғалабадан руҳланган Руслан кейинчалик икки карра жаҳон, уч карра Осие чемпиони ва Осие ўйинла-

ри голиби бўлди.
Русланинг фаолиятидаги бир жиҳатга кўпчилик боксчилар ҳавас билан қаради. У рингда ҳеч кимдан чўчимайди, рақиб танламайди. Ноқулай рақиб, деган тушунча унга тамоман ёт. Айнан шу нарса, уни ғалабалар сари руҳлантираётган бўлса, ажабмас. Ҳаваскор боксда Куба мактабининг ўзига хос ўрни борлигини яхши биласиз. Русланга қадар 91 килограмм вазнда Куба вакили афсонавий Феликс Савон ҳукмронлик қиларди. У ўз вазн тоифасида беш карра жаҳон, уч карра Олимпиада чемпионлигини қўлга киритган. Венгрия пойтахти Будапештда ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида 19 ёшни қаршилаган ўзбекистонлик боксчи унга қарши рингга кўтарилармиш, деганда кўпчилик мутахассислар қулиб қўя қолишган. Аммо Руслан ўзининг ажойиб ғалабаси билан бу каби гап-сўзларга чек қўйди.
Бугун Руслани дунё яна бир карра таниди ва тан олди. Энди манамен деган хорижий спорт мутахассислари ҳам ўзбекистонлик бокс киролининг Николай Валув устидан қозongan ғалабаси хусусида йиллаб гапириб юришди. Мана шундай пайтларда Президентимизнинг: «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиш ҳам!» — деган сўзлари ёдга тушади.
Ойбек ЗИЁДУЛЛАЕВ.

Фахр

ДЕПУТАТЛАР ҲАЯЖОНЛАРИ

Давлатимиз байроғини жаҳон айвонида яна бир карра юксакга кўтарган ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг ғалабаси барча юртдошларимиз қаторида менинг дилимда ҳам фахр ҳиссини уйғотди.

Русланинг рингдаги ютуқларидан доим ғурурланиб келаман. Бу галги ғалабани у осонликча қўлга киритгани йўқ. Унинг вазни ўзидан 41 килограмм оғир, бўйи 28 сантиметр баланд бўлган рақиб билан беллашишини эшитиб, тўғриси, жанг қандай ўтаркин, деган ҳаялга боргандим. У барчамиз кутгандек ғалабага эришди, ишончимизни

Ҳеч бир соҳа халқни, миллатни, юртни спортчилик жумлаи жаҳонга кўз-кўз эта олмайди. Руслан Чагаев бу ҳақиқатни амалда яна бир карра исботлади.

Руслан рингда голиб бўлганда халқимизнинг «Кичкина деманг бизни...» деган мақоли беихтиёр ёдимга тушди. Чунки рақибдан бўйи кичкина бўлган Руслан бунди ўзбекчасига исботлаб қўя қолди.
Мен аминманки, бугун дунёнинг жамики спортсевар мухлисари Русланга — Жаҳон чемпиони, унинг ҳамюртларига ҳавас билан қарашди, лаблар беихтиёр «Ўзбекистон» дея пичирлайди. Штутгартда мадҳиямиз садоси-ла баланд тикилган нигоҳлардан бунди англаш, ҳис этиш мумкин эди.

Олимжон УСАРОВ.

да деб билишган. Бугун ҳам бу анъана давом этиб келмоқда. Улуғ бобомиз Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Термиз шаҳрида халқаро кураш турнирининг ўтказилгани ҳам бунинг ёрқин исботидир.
Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Porsche Arena» спорт мажмуида ўтган икки бокс юлдузининг беллашуви юртимиз вакили фойдасига ҳал бўлиши ҳаммадан ҳам спортчи ва бокс ишқибози бўлган йигитларимизни қувонтирди.

Ҳамюртимиз Русланинг бокснинг энг нуфузли йўналиши бўйича жаҳон чемпиони бўлиши бутун халқимиз қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Авалло Руслан билан ҳамюртлимиз, бир заминда туғилганлигим билан фахрланаман ва унинг барча ютуқларидан андижонликлар қатори ҳаммаш мағрурланиб келганман. Унинг ғалабаси ер юзидаги барча спорт ишқибозларини ҳайратга солганидан севаинаман. Ўзбек ўғлонининг бу тенги йўқ ғалабасини мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшларга яратилаётган шароитларнинг маҳсули деб биламан.

Абдурашид ТҶУХТАБОЕВ.

Ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони бўлгани барча ватандошларимиз қатори самарқандликларга ҳам чексиз қувонч ва ифтихор бахш этди.

БАРЧАМИЗНИНГ ҒАЛАБАМИЗ

Шаҳардаги «Сўғдийна» спорт мажмуасида бўлиб ўтган йиғинда жамоатчилик вакиллари ва спортчилар ватандошимизнинг ушбу тарихий ютуғини мамлакатимизда спортчи оммалаштириш, спортчиларимизга берилаётган эътибор ва гамхўрлик самараси сифатида баҳоладилар.
— Руслан Чагаевнинг россиялик машҳур боксчиси энгиб, чемпионлик камарини қўлга киритиши ўзбекистонлик барча боксчилар қалбини чексиз қувончга тўлдирди, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Сергей Мишанов. — Биз энди жаҳон рингларида қадди-меъни янада баланд тутиб жанг қиламиз. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев изидан бориб, ўзбек бокс мактабининг янги имкониятларини намойиш этамиз.
Голиб ҲАСАНОВ,
УзА музбири.

Маънавият

Сиз корхона ё мактаб, балки ташиқлот раҳбарисиз. Ёки фермерсиз, туман ҳокимисиз... Бу — эл-юртнинг, жамоанинг ишончи ва яхшиларнинг дуосини олганнинг шарофатидир. Энди ҳамма-ни ҳақиқатга келишимиз. Энди умиди, нигоҳи Сизда! Ҳа, Оллоҳ ҳам сизни синаш учун марҳат қилди.

Энди сиз масъулятни чуқур ҳис қилган ҳолда камтаринлиқни либос қилинг. Доғийлик, тақабулчилик, тақабулчилик санъатининг назари эдинг. Эзгуликни касб эдинг. «Кўпчилик бош бўладиган кишилар, албатта, эзгу бўлмоғи, эзгулик зийнатлари билан беэзамоғи шарт», — дейди бобоқалонимиз Юсуф ҳос Ҳожиб.

Энг аввало, жамоанинг ҳол-аҳволига кизикинг, улар билан дўст тузинг. Уларнинг маънавиятини, кайфиятини оқсатириш, ишонганини оқсатириш, кутаришига урининг. Мутафаккир шoir Алишер Навоий жамоа билан раҳбар бир-бирига худди ошқ-маъшуклардек интилишини орзу қилган.

Сиз оғох ва зийрак, етти ўйлаб бир гапирувчи, етти ўлчаб бир ҳукм чиқарувчи бўлсангиз — йўлингиз чароғон, албатта. Каттиққўл, жуъратли, айни пайтда хушфел бўлинг. Хушфел кишининг иши ривож топаверади. Гердайган, такаббур раҳбарни жамоа ҳурмат қилмайди.

Мансаб замирида одамлар тақдир, Ватан тақдир бор. Президентимиз

раҳбарнинг масъуляти, обрў-эътибори, онг-шуури ҳақида ҳар бир нутқда кўйини таъкидлайди. Раҳбарга биринчи ўринда ҳалоллик, кўзи тўқлик, поклик ярашади, дейди.

Раҳбарга илм асқотади. Айниқса, ҳуқуқ, ҳисоб ва муомала илми. Шу ўринда Қува тумани раҳбарлари-

вақт — умрининг сўнги нафасигача туман матлуботчиларига раҳбарлик қилди.

Амир Темирнинг пири Заиниддин Абубакр мактуб йўллаб, Соҳибқиронни оғохланган экан: «Айтган сўзларинг ва қилган ишларинг бошга пушаймонлик келтирмаслиги учун маслаҳат, кенгаш, қатъий-

раислик қилган, 9 йил республика савдо вазири бўлган, ҳуллас, ўттиз йил «ёғлик жойда» кўзи тўқ раҳбар бўлган Мадамин Ҳасанов ўта маърифатли, камтарин, оғир-босиқ инсонлардан эди.

— Кўзи тўқ кишини Оллоҳ ўзи асрайди, — деган эди у бир суҳбатимизда. — Ҳар балонинг боши таъмадир, куш донга таъма эмасайди, тузоққа илинмасди. Андиҳонда вилоят матлубот жамиятида ишлаб юргананда бир воқеа бўлган. Катталар бир кишини туманлардан бирига матлубот жамияти раислигига тавсия қилишган. Мен у одамни яхши билардим ва фикримни очик айтдим: «Бу кишининг хотини зеби-зийнатга ўч, у узоқ ишлаш олмайди». Раҳбарлар ўз биланларидан қолишмади. Ишонасизми, у одам бор-йўғи уч ой ишлаб, нафси ёмон қушдек тузоққа илинди».

РАҲБАР ТАФАККУРИ

дан бўлган раҳматли Иброҳим Каримовнинг гаплари ёдимга тушади: «Бош ҳисобчи туман матлубот жамиятининг бир йиллик ҳисоботини олиб кирди. Имоэ чекишим керак. Ҳеч қачон шовилмасдим. Ёлғиз қолиб, бир неча соат, балки бир неча кун вақтим кетса-да, минглаб рақамларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқардим. Ҳисоб-китобни яхши билардим-да. Ушбу ҳисоботда муҳим рақам ортда битта ноль ҳеч нисра эмасдек. Лекин шу битта ноль миллионни мингга тушириб қўйиб, бошга бало келтириши ҳеч гап эмас».

Ана шу зийраклиги, ишбилчлиги, бир умр имзо маъгулиятини виждонан ҳис этгани ва халққа кўрсатган соҳавати туфайли у ўттиз йилдан ортиқ

лик, сабр, чидамлилик, соғлиғу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишларни амалга ошир-гансан...» Амир Темир устозининг бу қимматли ўғит-ларига бутун умр амал қилган.

Демак, бугунги раҳбар қачондир олган дипломига, ёлғиз ўз фикрига суяниб-гина иш тутса адашади. Ҳаёт, фан, техника, талаб-эҳтиёж соат сайин ривож-да. Тинмай ўқиган, излан-ган, кўп билан кенгашган раҳбарга дадил, олға юради. Ахир, ўтмишда ҳам ҳар бир амалдорнинг, ҳар бир донишманднинг ўз кутубхонаси бўлган. Улар ноёб китобларни узок ўлка-лардан келтириш ва хаттот-ларга кўчиртириш учун маблагни ашимаган.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, кейин эса «Ўзбекбирлашув»га 14 йил

Санаъат МАҲМУДОВА.

КАСАНЧИЛИК — ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАНИНГ БИР ТУРИ

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу масалага давлат аҳамия-тига молик иш деб қаралаётгани ҳам кўпгина юртдошларимиз учун катта имкониятлар эшигини очди.

Айниқса, янги иш ўринлари яратилишига эришилаётгани қувонар-лидир. Президентимизнинг «Йирик санаот корхоналари билан шартно-чиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрта-сида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилин-ганлигига ҳам бир йилдан ошди. Орадан ўтган вақт давомида жой-ларда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳунармандчилик, тиву-чилик ва бошқа фойдали меҳнат билан шуғулланувчиларнинг оилави-й бюджети ошишига замин яратди.

Чиноз туманида ҳам бу борада

кўпгина ишлар амалга оширилмоқ-да. Бир қатор йирик санаот корхо-налари касаначилар билан шартно-малар тузиб, иш кўламини янада кенгайтиришга эришиляпти. Ҳозир-да илгари иш билан банд бўлмаган 150 нафар аҳоли касаначилик бил-ан шуғулланаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Масалан, Чиноз пахта тозалаш корхонаси 70 нафарга яқин касана-чи билан яқин алоқа ўрнатилган эришган бўлса, «Чинозўйиндустрия» акциядорлик жамияти билан 60 нафардан зиёд аҳоли шартномалар тузган. Айни пайтда корхона жамоаси касаначиларга цемент,

тош, қум ва тикув материалари ет-казиб бермоқда. Ўз навбатида ка-саначилик билан шуғулланаётган аҳоли уйларига шлакаблук гишлар-ни, махсус кийим-бошлар ишлаб чи-қармоқда. Ҳилола Бўриева, Мамла-кат Очилова, Комила Арслонова сингари тикувчилар махсус кўпо-лар ва иш кийимларини тикиб, кор-хонага етказиб беришляпти.

Туманда бундан-да кўп янги иш ўринлари очил имкониятлари мав-жудлигини ҳисобга олсақ, касана-чилардан янада дадиллик, санаот корхоналаридан эса сабъ-ҳаракат, мадад кераклиги аён бўлади. Энг муҳими, касаначиликнинг ривож-и ёшларни засанур иш билан таъмин-лабгина қолмай, балки уларни иж-тимоий жиҳатдан ҳимоя қилади.

Гулбахор ОРТИҚҲУҲАЕВА, «Миллий тикланиш» муҳбири.

МАИШИЙ ХИЗМАТ МАРКАЗИ

Самарқанд вилоя-тида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўз-бекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ри-вожлантиришни жадал-лаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қарори асосида ишлаб чиқилган дастур иж-тил амалга оширилмоқ-да.

Мазакур қарорда айни-қ-са қишлоқ жойларида хиз-мат кўрсатиш ва сервис тизимини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш ис-тагини билдирган тад-биркорларни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қарати-лган. Пастдарғом тумани-даги «Эски Жума» махал-ла фуқаролар йиғини ҳуду-дида иш бошлаган «Ойдин она» маиший хизмат кўрсатиш маркази ҳам ана

шундай эътибор натижа-сидир.

Марказда сартарошхо-на, гўзаллик салони, озик-овқат дўкони ва 800 ўрин-ли тўйхона бўлиб, у Эски Жума, Оқманғит, Ҳинди-бой маҳалларининг етти минг нафардан зиёд аҳолисига хизмат кўрсат-моқда.

— Тез кунларда кийим-ларни қиммат тизимига, ав-томобилларга техник хиз-мат кўрсатиш ишларини



Ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди марказ раҳбари, тад-биркор Й.Нахонова. — Ана шунда бугун йиғирма киши меҳнат қилаётган марказда яна ўндан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Ғ. ХАСАНОВ, ЎЗА муҳбири.

Фаолларимиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги фракция йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция ва партия Марказий кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Йиғилишни фракция раҳ-бари Х.Дўстмухамедов олиб борди.

Йиғилишда дастлаб ҳамюртими Руслан Чагаев Германяннинг Шутгарт шаҳ-рида ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигини кўлга кирит-гани таъкидланиб, бу улкан ғалаба барчанинг қалбини ифтихорга тўлдирди. Бундай ютуқ юртимизни дунёга та-нитиб, тарихий ғалаба бўлди. Шу тўғрисида фракция аъзо-си Р.Зарипова, партия Мар-казий кенгаши котиби О.Қо-зоқов гапирди.

Фракция йиғилишида Се-натнинг яқинда бўлиб ўтган ялпи йиғилишида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модерни-зация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучай-тириш тўғрисида»ги Ўзбеки-стон Республикасининг Кон-ституциявий Қонуни маъқу-ланганлиги муносабати бил-ан партиянинг Олий Маж-

лис фракцияси олдида тур-ган вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, фракция-нинг жойлардаги депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорлик-ни кучайтириш, партия гуруҳ-лари фаолиятини мувофиқ-лаштириш, уларни режа асо-сида фаолият юритишини ташкил этиш таъкидланди. Ҳар бир вилоят кенгашида депутатлар гуруҳини тузиш, бунинг учун депутатлар со-нини кўлайитириш тўғрисида сўз юритилди. Шунингдек, Конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан партия Устави ва Дастурига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида ҳам фикрла-шиб олинди.

Фракция йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палата-сининг ялпи йиғилиши кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муҳокама этилди. Шу билан бирга, партия ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чи-қилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш: ҳуқуқий асослари, амалиёт ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда институт томонидан ишлаб чиқилган, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласига бағишланган янги лойиҳа муҳокамага қўйилди.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ: ЯНГИ ЛОЙИҲА

Семинарни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Адҳам-жон Ҳамдамов олиб борди ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисидаги мавжуд қонун ҳужжатлари ҳамда «Ма-ҳалла» жамғармаси, Республи-ка Оқсоқоллари кенгаши ишла-рини таҳлил қилиб, мувофиқ-лаштириш ишини жамиятининг куйи бугин ҳисобланган маҳал-лардан бошлаш керак, дея фикр билдирди.

Бошқа маърузачиларнинг фикрлари ва тақлифлари ҳам республика доирасида иш юри-тадиган мувофиқлаштириш ке-нашларини ташкил этиш, улар-нинг фаолиятларини белгилаш, молиялаштириш масаласини ҳал қилиш йўллари ҳақида бўлди.

— Бу лойиҳа жойларда юзага келаятган айрим муаммоларни бартараф қилишда зарур

аҳамиятга эга деб ўйлайман, — деди «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Ниғматилла Абдуллаев. — Ҳозиргача олиб бораётган фаолиятимиз Респуб-лика Оқсоқоллари кенгаши иши билан уйғунлашиб кетганини кўпчилигимизга маълум. Лойи-ҳанинг аҳамиятли жиҳати шун-даки, унга кўра халқ учун қай-ғу-радикан, фидойи кишилар бу ишга жалб этилиши мўлжаллан-ган. Улар аҳолининг талаб ва тақлифларини ҳал қилишда яна-да жонқурлик билан фаолият юритишларига ишонаман.

Йиғилишда иштирок этган Сенаторлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатла-ри, вазирилик, ташкилотлар, сиёсий партиялар ҳамда «Ма-ҳалла» жамғармаси вакиллари, маҳалла оқсоқоллари ўз муло-ҳазаларини билдирдилар.

Мансуба ХУҲАЕВА.

Саҳоват... Бу сўзнинг замирида одамларга яхшилик, саҳийлик қилиш, муҳтожларга қўмақ бериш, хайр-эҳсон қилиш, ҳаёда улашиш, меҳр-оқибат сингари тушунчалар муҳасам. Бундай яхши одатлар халқимизга хос хислат, элдошларимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилатдир.

«Янги турмуш» фермер хўжа-лиги раиси, «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Сур-хондарё вилоят кенгаши депу-татлигига сайланган Аҳмад Ма-жидов ҳам саҳоватпешалик хис-латини қалбига жо қилганлар-дан. У Олтинсой туманидаги «Хайрондара» маҳалласида яшайди.

Саҳоватпешалик хислати ин-сонда бирдан пайдо бўлмайди. Авлоддан-авлодга мерос каби ўтиб келади, авлодларининг қал-

САВОБ МЕҲНАТ ВА САҲОВАТДА

бида яшайди, қонда оқади. Аҳмад ақанинг отаси — 80 ёшни қоралаб қолган отахон Нажмид-дин бобо, онаси Норбиби момо ўғлига ёшлагидан одамларга меҳри, саҳоватли бўлишни на-сиҳат қилишган.

— Ўйлим, очик қўл бўл, бош-қалардан кўмагингни аяма, дей-ди ота-онам, — деди Аҳмаджон ака. — Бу насиҳатларига амал қилиб кам бўлаётганим йўқ. Яхши ниятлар билан фермер хўжалигимизни ташкил қилгани-мизга ҳам 12 йил бўлди. 74 гек-тарлик ер майдонининг 47 гек-тари узумзор, 10 гектари мева-зор, қолганга бу йил ғалла эк-канмиз. Даромадларимиз ҳар йили кўнгилдагидек бўлаётир. Утган йилги умумий даромади-миз 67 миллион 400 миң сўми ташкил қилди. 23 миллион 400

миң сўмлик соф фойда олишга эришдик. Бу йилги даромади-миз ўндан ҳам зиёд бўлишини ният қилганмиз. Узумзорга янги ниҳоллар ўтказиш билан бирга, мевазор боғимизни олма, олча, шафтоли, гилос, ўрик каби мева-вали даракларининг турли на-влари билан тўлдирмоқдамиз.

Аҳмад Мажидов сайловда ишонч билдирган сайловчилари билан тез-тез учрашиб туради. Уларнинг муаммоларини ҳал этишда доим ёрдам беради. Ҳозирда у сиёсий тадбирларда ҳам фаол қатнашиб келаятир. Бошқа сафдошлари қаторида «Миллий тикланиш» партиясининг гоя ва мақсадларини амалга оши-ришда ҳам фаоллик қилаётир.

Тумандаги 35 миң аҳолининг тоза ичимлик суви таъминотида муаммолар бор эди. Ишбилар-

мон, саҳоватли фермернинг саъй-ҳаракатлари, елиб-югу-ришлари туфайли бугунги кун-да «Мингчинор», «Хайрондара», «Катта Вахшвор», «Хўжасоат» маҳаллаларида яшовчи аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳра-манда бўлаётир. Бу худудларда хозирда электр токи таъмино-тида ҳам узулишлар бўлмапти. Утган йили 54 миллион сўмлик маблағ эвазига Денов ва Ол-тинсой туманлари чегарасида янги кўприк қурилди. Буларнинг барчасида унинг ҳиссаси бор.

Савоб ишлар билан нафақат юрт, балки кўнгиллар ҳам обод бўлади. Уч километрик йўлга асфальт ётқизиш, тумандаги 34-мактабга ҳамда Хўжасоат қишлоқ-врачлик шифохонасига кўрсатилган ҳомиёлик, кам таъ-минланган оилаларга берилган

жами икки ярим миллион сўмлик моддий ёрдам... бу ишларнинг ҳаммаси ҳам Аҳмад ақанинг кўнгилларга қурган баланд қасри, дилларга берган ободли-ги, десак хато бўлмас.

— «Миллий тикланиш» демок-ратик партияси фаоллари сафид-да туриб савобли ишларни қилаётганимиздан фахрланаман. Партияимизнинг халқ ичига кир-иб бориш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда бугун-гидан ҳам яхшироқ ҳамжиҳатлик, яқдиллик керак. Ана шунда иш-ларимиз самараси бундан ҳам юқори бўлади, — деди суҳбат-дошим.

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланиши ма-қолағиз қаҳрамонига ўхшаган, кўнглида яхши тилалар кам бўлган инсонлар учун янада хай-р саҳоватлидир. Суҳбатдошим айтганидек, саҳоватпешалик бир куллик ёки бир йиллик иш эмас, ҳаммиша давом этяверади.

Жуманазар АНОРОВ.



Янгиўл туманининг Гулбахор кўрғонида туман марказий поликлиникаси жой-лашган. Бу ерда ишлаётган шифокорларнинг беёминнат хизматлари кўпчиликка манзур бўлаётир. Бунинг боиси сир эмас. Эл соғлигини юрт бойлигига айланти-ришдек олижаноб мақсадларни қўзлаган жамоа намунали хизмати билан аҳоли-нинг меҳрини қозонмоқда.

Суратда: бош шифокор Ҳасан Шахиев ҳамширалар Гулноза Бекмуродова, Мухаббат Абдуллаева, Гулноза Маҳжамовалар билан.

К.ЎЛМАСОВ олган сурат.

ТЕМИРГА БОЙ УН — САЛОМАТЛИГИМИЗ ГАРОВИ

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон-даги ваколатхонаси, Жур-налистлар иқодий уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод» жамғарма-си ҳамкорлигида Навоий ви-лоятида урни бойитишга ба-ғишланган семинар бўлиб ўтди. Унга Журналистлар иқодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов раҳбарлик қилиб, кун тартибигаги масаланинг аҳамияти, темир моддаси билан бойитилган ундан фойда-ланиш, аҳоли ўртасида тўри оқватланишини ташкил этиш ва бу борада ОАВ вакиллари ол-дида турган вазифалар ҳақида гапирди. Шунингдек, темир моддаси билан бойитилган унни истемоль қилишни тарғ-иб қилиш бўйича бўлиб ўтган кўрик-танловлар натижаси ва навбатдаги 3-танлов ҳақида ахборот бериб, журналистлар унни бу ишда фаол иштирок этишга чорлади. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анемия маркази директори, профессор Дилором Сулай-монова ўз маърузасида юр-

тимизда камқонликка барҳам бериш борасида бир қатор ишлар қилинаётгани, бироқ тарғибот ишларини янада куч-айтириш, камқонликнинг оқибатлари, унга қарши тиб-обий ва табиий воситалар ҳақида атрофлича маълумот берди. «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси эксперт-и, профессор Дилора Шарип-ова камқонликка қарши ку-рашнинг аҳамияти, салбий таъсирлари ва хусусиятлари ҳақида, шунингдек, йод тан-қислиги билан боғлиқ муам-молар тўғрисида сўз юритиб, иштирокчилар билан мулоқот-да бўлди. ЮНИСЕФ вакили Рустам Ҳайдаров унни бойи-тиш бўйича миллий дастур, унни бойитиш тарихи, бу борада юртимизда олиб бори-лаётган кенг қўламли ишлар натижалари ва долзарб муам-молар хусусида тўхтади. Олий Мажлис Қонунчилик па-латаси депутаты Анара Бобо-муродова бу борада қабул қилинаётган қонунлар ва улар ижросини таъминлашда ОАВ

ва соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари олдида турган ва-зифаларини кўрсатиб ўтди.

Семинар иши болалар ши-фохонаси дерматология бўли-мида давом этди. Иштирок-чилар бу ерда камқонлик таш-хиси билан даволанаётган бе-морлар билан мулоқотда бўлиб, касаллик сабаб ва оқибатлари, унинг олдини олиш усуллари билан яқиндан танишишди. Шунингдек, тад-бир қатнашчилари аҳолини бойитилган ун билан таъмин-лаб келаятган «Навоийдон-маҳсулотлари» хиссадорлик жамиятида бўлиб, корхонада-ги унни бойитиш технология-лари, бойитилган унни таҳлил қилувчи лаборатория фаолияти, таҳлил усуллари билан таниш-ди. Ҳар бир юртдошимиз си-дат-саломатлиги, айниқса, мил-лат келажиги, соғлом авлод бил-ан боғлиқ бу масалалар ҳар бир иштирокчида катта таассу-рот қолдириди.

Бахтиёр ТЕМИР, «Миллий тикланиш» муҳбири.

Қишлоқда санаот МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТБОП, РАҚОБАТБАРДОШ

— Онажонимнинг туғилган кунига соғва олиш учун бозорга тушмоқчи эдим, ойлик бергани жуда яхши бўлди-да. Феруза кас-сирдан олган пулни санаб бўлгач, «худога шукур, баракасини берсин» деди-да, унга раҳмат айтди. Саксон беш миң сўм-а. Авваллари бу қадар кўп маош олмагани боисми у қувончини яшира олмади.

Ўтган йиғилишда корхона раҳбарлари-нинг айтганлари куруқ ваъда эмас экан: «Шу йилнинг ўзида ўртача иш ҳақи юз миң сўмдан ортиб кетади». Айниқса, ишчиларнинг қувончи чексиз, қувонмай бўладими, йиллаб ишламай ётган корхона оёққа турса-ю, юз нафар одам иш билан таъ-минланса, Узок Хо-размининг Хазорасп тумани қишлоқлари аҳолиси учун бу жуда катта имконият...

Бир неча йиллар ав-вал яхши ният билан таъкил этилган «Уни-хо» қўшма корхонаси таъсисчилари ва раҳ-барларининг уквусиз-сий оқибатида икти-содий нечорликка юз тутди. Тамомила қарз ботқоғига ботди. Алал-оқибат қасодга учради — банкрот бўлди.

Халқ манфаатини ўйламайдиган «тад-биркор»лар чет элдан миллион-миллион ва-лютага олиб келган ускуналар, ҳатто бо-зор нархларидан икки-уч марта қиммат баҳолаарда харид қилинган боис, «биз-нес режа» барбод бўлди. Банкдан олин-ган кредитни ҳам ўз вақтида тўлашнинг им-конини бўлмади қолди. Юзлаб ишчи ўрнига мўлжалланган катта

Федерациясига экс-порт қилинди. «Хазо-расп текстил»да икки ойда тайёрланган си-фатли ип-калага 90 миң долларга сотил-ди. Ишларни жонлан-тиришда Хоразм вило-ياتи монополиядан чи-қариш, рақобат ва тад-биркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси бошлиғи Уринбой Абдуллаев жамоаси корхонани ривожлантириш бора-сида яқиндан ёрдам бераётганидан жуда миннатдормиз.

Корхона цехларини айланамиз. Пахта то-ласидан ип йиғирув жараёнларини кузат-дик. Замонавий уску-налар бир маромад ишлаб турган ёрғув ва ишнам ҳеҳдаги ип-йи-ғирувчилар, инженер-мутахассислар билан мулоқотда бўлдик. Уларнинг барчаси дунё бозоридан рақобатбар-дош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона-да ишлаётганларидан мамнун.

Ҳа, бу жамоада юқори малакали мута-хассислар етарли. Энг қувончилиси, ишлаб чи-қарилаётган бир йил-лик маҳсулотни сотиб олишга ишончли хари-дор бор. Ишлаб чиқ-ариш ҳажмини ошириш, сифатини янада кўта-риш учун шу кунларда эллик миң АҚШ дол-ларига эҳтиёт қисмлар олиб келиб ускуналар-ни таъмирлаш ишлари мўлжалланаётир.

«Хазорасп текстил»-нинг янада ривожла-ниш, равақат топишига умид катта.

Уринбой КЕНЖАЕВ.

Таклиф, мулоҳаза

Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш бўйича Наманган вилоятида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

моқда ҳамда маҳаллий ўғит муаммоси маълум микдорда ечилмоқда.

уҷун эса коллеж ва олий ўқув юр்தларда, кишлоқ хўжалиги тизимида ишлайдиган малакали олимлар, мутахассислар, ил-ғор фермерлар иштирокида машғулотлар ўтказиш фойдали натижа берди.

Тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит бериш тартибини ҳам янада такомиллаштириш ва муди-рларни узайтириш керак.

Дилшод ИСМОИЛОВ, Наманган муҳандислик-иқтисодий институти талабаси.

ЁШ ФЕРМЕРЛАРГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Жорий йил бошида олинган маълумотга кўра, хозирда вилоятда 13000 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда.

риш масаласи ҳам давр талабидир. Шу боисдан бу ишга бефарқ қараб бўлмайд.

ташкил этади. Уларнинг 2120 нафари 26-35 ёшга-ча, 1420 нафари эса 18-25 ёшдагилардир.

мавжуд. Бу ёш фермерларнинг тажрибасини оширишдир. Ёш фермерлар алмашлаб экиш, экинларни ўғитлаш тизимини мукаммал билишлари ва уни жорий этишлари керак.

Эътироф

РУҲИЯТ РАНГЛАРИ ЖИЛОСИ

Яқинда Хитойда ўзбек мўйқалам усталари кўргазмаси уюштирилди. Хитой ва ўзбек рассомлари ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистон халқ рассоми, академик Леким Ибрагимов раҳбарлигида Дима Охунбоев, Мухтор Исонов, Дия Мирзаахмедова, Файрат Ибрагимов каби ўзбек сан-рассомлари билан ўқувчилари ҳам иштирок этдилар.

гулар ифодаланади. «Кўшларни кўриқловчилар», «Анор фасли», «Осмондан садо», «Учрашув», «Анорли қиз» шулар жумласидандир.

Нурланиш ва соя, ёруғлик ва қоронғулик контрасти, қарама-қарши туйғулар уюмини ранглар қуюнида ифода эта олиш хусусияти рассом истеъдодининг энг кучли жи-рраси ҳисобланади.

Файрат Ибрагимовнинг «Эшик қошидаги қиз», «Эшик қошидаги фаришта» асарларида илоҳий кучлар, илоҳий оламлар инсон атрофида доимо ҳозир нозир турганилиги акс эттирилади.

Файрат Ибрагимовнинг асарлари билан танишар экансиз, ўз изланишлари орқали рассом руҳият ола-мига чуқурроқ кириб бо-раётганини ҳис қиласиз ва фикрларингиз ранглар тўққинига шўнғиб борар экан, чексиз-чегарасиз коинот сирлари, одамзот тарихи, кўна Шарқ ру-ҳияти кўз олдингизда жо-нлана боради.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ.



Кўргазма Хитойнинг бир қатор шаҳарларида намойиш этилиб, рассомлар, бадиий ўқув юр்தлари талабалари, санъат ил-хосмандрлари билан ўқувчи-лар уюштирилди.

Маъжур кўргазма ишти-рокчиларидан Файрат Ибрагимовнинг ижоди алоҳи-да эътирофга лойиқ. Бенъ-ков номидаги Республика рассомлар билим юртини аъло баҳолар билан тугат-ган Файрат синов имтиҳон-исиз Миллий рассомчи-лик ва дизайн институти-нинг дастгоҳли рангтасвир бўлимига қабул қилинади.

Ёрқин истеъдод соҳиби Файрат Ибрагимов бугун-ги ўзбек рангтасвир санъ-

атида ўзининг кучли истеъдоди билан воқелик, борлиқни теран қамаб ифода этаётган ёш рас-сомлардан ҳисобланади. Унинг асарларида ранглар шу даражада интуитив сезги-лар қўламда, зий-раклик, ички бир ҳарорат билан жоҳланганлиги, бу ижодкорнинг чуқур ан-гаш, пайқаш хусусияти юқорига кўтарилган ҳола-тини ифода этади. Қиз-ғиш, яшил, кўкш, жигар-ранг-сарғиш ранглар қуюнида безовта чикки туй-

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

«MICRON-M» МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги «MICRON-M» масъу-лияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган 56 турдаги макарон ва бошқа нон маҳсулотлари кўпчиликка манзур бўлаёттир.



Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонада ишлашни пухта ўзлаштирган 85 нафар маҳаллий ёшлар яратилган шарт-шароитлардан мамнун бўлишмоқда.

Гули ОЛИМОВА. Азамат АХМАД олган суратлар.

Орамиздаги одамлар

Истиқлолимиз йўлида ўзининг куч-гайратини аямай ишлаб, изланаётган замонамиз қаҳра-монлари орасида шундай фидойи инсонлар борки, уларнинг ҳаёти бошқаларга ўрнак бўлса арзийди.

«Миср киноси», «Покистон киноси», «Шамим Аро Тошкентда» каби мақола-лари халқро кино санъати-га оид бўлса, «Дилистони сен менинг», «Камо-лот сари», «Ҳижрон», «Раз-зоқ Ҳамроевлар оиласи», «Санъатга бағишланган умр», «Тасвирларда олам мужассам», «Умидли акт-

лий санъати қисқача лу-рари китобининг ҳаммуал-лифи, Мухсин Қодиров-нинг «Набойи ва саҳна санъати», Раҳима Шоман-сурованин «Эр эпламоқ осон, лекин...» китоблари-нинг масъул муҳаррири-дир. Нашриётнинг «Хотин-қизлар энциклопедияси» китоби ҳам Моҳинахон

Ўзбекистон театр арбоб-у юшмаси ва Ўзбе-кистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси-дир. У Ўзбекистон «Жур-налист аёллар клуби»нинг ҳам фаолларидан санала-ди. Фидойи хизматлари учун Моҳинахон Аширова ҳукуматимиз томонидан «Меҳнат шухрати» ордени ва бир қанча Фахрий ёрликлар билан тақдир-ланган.

Аёлниң назокати, фар-росати ва малохати оила-да кўзга ташланади. Ҳам-қасбимиз бу борада ҳам омадди. У ўтқи қалам со-ҳибаси, фаол жамоатчи, талабчан раҳбар бўлибги-на қолмай, севимли ёр, меҳрибон она ва набира-лари учун сукули буви бўлиб ҳам бахтини топди. У умрининг ҳар бир куни-ни эзгуликка бахшида қилади ва бунга муносиб жавоб олаёттир. Назарим-да, интилганга толе ёр, деган нақл мана шундай инсонлар учун айтилган.

Хулқ АЛИМУХАМЕДОВА, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти илмий муҳаррири.

Ифтихор

ИЛМ БИЛАН ҚАЛАМНИ БИРЛАШТИРГАН ИЖОДКОР

У ўрта мактабни битир-гач, Тошкент давлат педа-гогика институтининг фи-лология факультетига ўқишга кирди. 1968 йилда институти тугатиб, йўланма билан «Энцикло-педия» нашриётда иш фаолиятини бошлади.

дан буён Маданият ва санъат таҳририятини бош-қариб келмоқда. У зимма-сидаги ишларини бажа-риш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иш-тирок этиб келаёттир. Бун-дан ташқари, Ўзбекистон миллий энциклопедияси хотин-қизлар қўмитаси ра-иси ҳамдир. Унинг театр ва кино муаммолари, ижодкорлар ҳақидаги ма-қолалари турли газета ва журналлар саҳифаларида ёритилган. «Африка кино-си», «Вайжантимала»,

риси», «Ижод муқаддимаси», «Минг бир кеча қаҳра-монлари экранда», «Баҳор қайтмайди», «Тақдир эши-ги» каби «Театр» ва «Кино» журналларида босилган ижодий ишлари ўзбек кино ва театр санъати ма-салаларига бағишланган. Энциклопедия жилдлари-да эълон қилинаётган те-атр ва кино соҳасига те-ғишли, умуман, санъат со-ҳасига оид мақолаларинг аксарият қисми унинг со-ҳир қалами билан битил-ган. Моҳинахон Аширова

Аширова бошқараётган таҳририят томонидан чи-қарилган. 14 жилдлик эн-циклопедия, «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедияси, 12 жилдлик «Ўзе-кистон миллий энциклопедияси», рус ва ўзбек ти-лида нашр қилинган «Тош-кент» энциклопедиялари, «Уй-рўзгор энциклопедия-си», 2 жилдлик энцикло-педик лугат ва бошқа ки-тобларни чиқариш ишига ҳам унинг қалб кўри ба-ҳшида бўлган.

«Дарахт бир жойда кўка-ради», деган нақлга амал қилган ҳолда Моҳинахон хозиргача «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёт-да фаолият юритиб кел-моқда.

Энциклопедия таҳрири-ятда ишлаш жуда мурак-каб ва ўта масъулиятли вазифадир. Иш фаолиятини кичик муҳаррирликдан бошлаган Моҳинахон илм-га чанқоқлиги, ўз устида тинмай ишлагани боис бўлим бошлиғи лавозими-гача кўтарилди. 1987 йил-

ОЛИМЖОН САРТАРОШ

Қувага борсам, Хурматилло ака билан албатта учрашаман. Эрталабки саккизлар чамаси. Хурматилло аканинг қўл телефонига кўнғироқ қилдим.

— Жаъми хунарлардан сартарошлик муқаддамдир, — дейди Қува тумани мар-казидаги «Гўзал» салони сартароши Олимжон Раимов. — Пиру устодлардан қолган удумларга амал қилган ҳамқа-далар барока топаверади. Доимо илм та-лабгорларига ҳамсуҳбат бўладиган, дўкунини покиза тутадиган, пилларини тез-тез ёдга оладиган, миқжозига ёмон кўз билан қарамайдиган, хизмат ҳақи учун нима берса рози бўладиган ва энг муҳими, кунда топанганин ярмини са-дақа ва ҳадагга сарфлайдиган сартарош-гина ҳақиқий уста ҳисобланади.

— Олимжон яхши сартарош, шу ука-миз ҳақида ҳам бир мақола ёзсангиз, яхши бўларди, — деди у киши. — Йиги-ма йилдан буён шу устага соқолимни олдимаран. Қўли дард кўрмасин.

— Сиздай нозиктаб инсоннинг хур-матиға сазовор бўлишнинг ҳам ўзи бўлмайди, — дейман мен.


Ва яна энг муҳими, пиру устозлардан мерос бўлиб авлоддан-авлодларга ўтиб келаётган касб-корга барокот беради-ган «Сартарошлик рисоласи»ни сақлаб юриш ва унинг талабларига амал қилиш лозим. Шогирдларига шу рисолаи ҳада этиш ҳам ибратли удумдир, — дейди у.

Олимжондан бу касбнинг сир-асрори ҳақида сўрайман.

Муроджон КЕНЖАЕВ.

«Китоб куни» бўлиб ўтди

Ўсиб келаётган ёш ав-лоднинг интеллектуал сало-ҳияти ривожига ўз ҳиссаси-ни қўшиш мақсадида Интел-лектуал лойиҳалар маркази (ИЛМ) турли тадбирлар ташкил этмоқда.



Яқинда марказ «Халқро китоб куни»ни ўтказди. Ки-тобхонлик даражасини оши-риш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этиладиган ушбу тадбирда марказ ўқувчилари ва ўқувчилари иштирок этди-лар. Ўқувчилар катта қизи-қиш ва тайёргарлик билан кутадиган бу тадбир икки қисмдан иборат бўлиб, би-ринчи қисмда ёшлар ўзбек адабиётининг атоқли адиб-лари, ёзувчи ва шоирлари

ҳиба Ҳамидова биринчи ўринни эгаллади.

Тадбир давомида «Китоб ўқши марафони» голиблари Эълон қилиниб, махсус сов-галарга эга бўлдилар.

Адиба ФАЙЗ. Азамат АХМАД олган сурат.

«Микрокредитбанк»нинг янги иш ўринлари

Томди Навоий вилоятининг чекка туманларидан бўлиб, Қизилқум чўлининг юзлаб чакрир м узокликдаги хуудларда жойлашган. Олис овулларга бориб-келиш, иш юртишининг ўзи бўлмайди.

Аҳоли асосан бу ерда чорвачилик билан шуғулланиб, апрель ойи айнаи кўзилатиш мавсуми қизиган даврга тўғри келади. Туман ҳокими ўринбосари Жорилқосим Асу-баевнинг айтишича, баҳор ҳавоси тез-тез бузилиб, ўзгариб туриши туфайли хўжа-ликларга борининг иложи йўқ.

Туман марказида кўплаб хайри ишлар амалга оширилаётганини кўрдик. Айтиш-ларича, бу ерда маданий ноёб минераллар захиралари мавжуд. Шу боис келажақда саноат корхоналарини ишга тушириш кўзда тутилса, ажаб эмас.

БУХОРО ЗАРДЎЗЛИК МАКТАБИ

Ҳар бир касбу хунарнинг сир-асрори бўлади. Асрлар оша ривожланиб келаётган зардўзлик санъатининг ҳам ўзига хос анъаналари мавжуд. Хунармандчиликда устоз-шогирдлик муносабатлари муҳим ўрин тутади.

ишлари борки, кўриб дилингиз йрайди. Бехитиёр уни дунёга келтирган қўлларни кўргингиз кел-лади.

Бухоро зардўзлик мактаби минглаб чевар қизларнинг орзуларини рўёбга чиқариб, уларнинг ҳам мустақил ишлашлари учун замин бўлаёттир. Бошқа жойлар-да ҳам зардўз услубида тикилган буюмлар топилади.

Бу хунарнинг синоатларини яхши, пухта ўлаштирган қўли гул чеварлар бор. Барибир у ишлар-нинг жозибаси Бухородагидек эмас, назаримда. Бухоро зардўзла-ри томонидан ти-килган буюмлар-да узоқ йиллар давомида сайқал топиб келаётган анъана бор. Зар ва кумуш рангли иплар нозик дид ила, ўз ўрнида ишлатилганини кўриб завқлана-сиз, кўзингиз қувнайди.

Аслида зардўзлик санъатида зар ип билан безак бериш усули

Бухоро зардўзлик санъати ба-дийий қиймати билан ҳам муҳим ўрин тутади. Асрлар давомида яшаб келаётган, йиллар оша сай-қал топиб бораётган услублар ав-лоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Зар ипларнинг жиљоси, жиљваси-ни юракдан ўтказиб, унинг жози-басини сақлаб, матога ёки би-рор кийимга безак беришда фой-даланиш учун ҳам билим керак.

ришган чевар қизлар устозидан ўрганганларига ўз тасаввурларини ҳам қўшиб, дили-да тугилган янги гоёяни янада бо-йишди.



Урта Осиёда ўзининг чуқур та-рихий илдиэларига эга бўлган зар-дўзлик санъатининг сирлари чет эллик сайёҳларни қизиқтириб келади. Бундай гўзал-ликни яратиш учун, аввало, сабр, кунт кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Чеварларнинг шунча-лар гўзал, шунчалар фусункор

иплар нозик дид ила, ўз ўрнида ишлатилганини кўриб завқлана-сиз, кўзингиз қувнайди.

Садоқат ҚОЗОҚОВА, Камолддин Бехозод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси.

Б. ТЕМУРОВ.

